

I

– Тўхта, – деди Банди дўсти д'Андреага. – Мен бориб уни огохлантираман. Мабодо яна кайсарлик килса, бостириб кирасан.

Иккаласи ҳам узокни яхши кўролмасди Шу туфайли бир-бирига жуда якин туриб сўзлашмоқда эдилар. Кўпчилик уларни эгизаклар деб ўйлашарди. Ёшлари ҳам деярли тенг бўлиб, бир-бирларига жуда ўхшаб кетардилар – баланд, тик коматли, озгин, барча ишни саранжом-саришталик билан бажаришни хуш кўришарди. Сухбатлашатуриб, бир-бирларининг кўзойнақларини ё бўлмаса бўйинбоғларини тўгрилаб кўйишар, ҳеч бўлмаганда, эгниларигади камзулларининг тугмаларини тортиб кўярдилар. Улар кам гаплашардилар. Хаётда кўп кийинчиликларни бошдан кечирганликлари заъфарон юзларида акс этиб турарди.

Улар бирга вояга етдилар. Бир-бирларидан ёрдамларини аямай дорилфунунда ўкидилар. Бири хукукшунослик бўлимида, иккинчиси тиббиёт бўлимида тахсил олди. Хозир эса турли соҳа бўйича ишлашар, аммо ишдан сўнг кечкурунлари кўришиб, шаҳар чеккасидаги жарлик бўйида чўзилиб кетган хиёбонда сайр этишни канда килишмасди. Улар шу қадар якинлашиб кетишган эдики, бир-бирларини огизларидан билинар-билинмас чиккан сўзлари, имо-ишораларию, кўз карашларидан тушуниб олишарди. Сайр чогида фикр алмашар, сўнг ортикча гапирмай, индамасдан кезиб юришарди. Ўзаро айтилган икки-уч огиз сўз уларга фикр алмашиш учун етарли озука бергандек бўларди. Худди хориган отларга ўхшаб бошларини эгиб, шошилмай қадам босишарди. Тўсиқдан сакраб ўтиб, пастликда ястаниб ётган адирликлару уфқка бош кўяётган куёш нурида жилваланиб турган денгиз мавжларини томоша килишни на униси, на буниси хаёлига келтирарди.

Ён атрофдаги гўзалликка махлиё бўлмаслик эса мумкин эмасди. Бу икки йигитчанинг бундай нохуш кайфиятда кетишларига нима сабаб бўлди экан?

Бир неча кун аввал Банди дўстига:

– Элеоноранинг соглиги яхши эмасга ўхшайди, – деб шипшиганди.

Д'Андреа дўстига каради. Бу кўз карашидан касаллик жиддий эмаслигини англади.

– Элеонора опамиз ўзим кўриб кўйишимни истаяптими? – сўради у дўстидан.

– Соппа-согман, деяпти.

Бир умр оналари ўрнини босган Элеонора олдидаги қарздорлик бурчини хис этган холда ковокларини уйиб, индамай йўлда давом этдилар.

Д'Андреа ота-онасиз вояга етди. Уни амакиси асраб олди, аммо ўқитишга қурби етмади.

Элеонора ҳам ўн саккиз ёшга етганида кенжа укаси билан етим қолди. У ота-онасидан қолган бор-будини тежаб-тергаб бир амаллаб кун ўтказишга сарф қиларди. Кейинчалик ишлашга мажбур бўлди, мусика ва ашуладан дарс бера бошлади. Шу зайлда укасини вояга етказди, унга кўшиб дўстини ҳам ўқитиб, саводини чиқарди.

– Мен дўмбокман, сизлар қилтириксизлар, – дея болалар билан қувнок овозда хазиллашарди Элеонора. – Сизларнинг ўрнингизга ҳам мен семираяпман.

Хакикатан ҳам Элеонора тўладан қелган эди, кун сайин семириб борарди. Унинг чехраси сутга чайиб олингандек тиник. Кўзлари шахло, қайрилган киприклари узун, овози қўнгирокдек жарангларди. Унга разм солганларида семизлигидан ўзини ноқулай хис этиб, маъюс жилмайиб қўярди.

Элеонора охангларни бузиб бўлса-да, хис-хаяжон билан юракдан жўшиб кўшик куйларди. Жиддий ва тўпорилиги, ибо-ю, андиша, устига-устак укасининг ташвиши бўйнида бўлмаганида кўшикчи бўлиш орзусида эди. Сахнада кўшик айтишни жуда-жуда хохларди. Афсус, минг афсус, бу орзу ушалмай колди. Ёши ҳам киркларнинг нари-берисида эди. Шахарда истеъдодини кадрлашган бўлармиди. Бу ширин ўй-хаёллар юрагига бир оз таскин берарди, холос. Кийналиб бўлса-да, у иккита етим болани оёкка кўйди. Умрини уларга бахшида этиб, ок ювиб, ок таради. Бу унинг шунча йиллик меҳнатлари эвазига олган мукофоти эди.

Шифокор д'Андреа дўстини узок кутиб колди, у хали-бери меҳмонхонадан чикай демасди. Меҳмонхонанинг шифти баланд бўлмаса-да, ичи кенг, ёруг эди, алмисокдан қолиб, ўнгиб кетган мебеллар ўтмишни эслатарди; ўтмишда кадрли бўлиб хизмат қилган бу анжомлар хонада савлат тўкиб турар, қаршидаги кўзгудан уларнинг акси кўзга ташланарди. Хонага гўё марҳумларнинг портретлари йигиб кўйилгандек эди. Улар бир нуктага – Элеоноранинг роялига тикилиб тургандай туюларди.

Доктор кутишдан чарчади, ўрнидан туриб, эшикка яқинлашиб ичкарига кулок тутди. Бўгик йиги овозини эшитгач, эшикни коқди.

– Киравер,– деди Банди эшикни очаркан.– Опам нега бунча ўжарлик қиладилар, ҳеч тушунолмаёпман.

– Мен касал эмасман!– йиги аралаш кичкирди Элеонора.

У чарм билан копланган катта оромкурсида ранги докадек оқарганча, ҳар доимгидек қора кийимда ўтирарди. Шу тобдаги унинг қилиги худди ёш боланикига ўхшаб кетарди; нимадандир безовталанар, укасининг нигоҳидан дахшатга тушар, кўзларидаги саросимани беркитишга ҳаракат қиларди.

– Ростданам касал эмасман,– деди у бир оз ўзини ўнглаб олгач. – Илтимос, мени ўз холимга кўйинглар. Мен ҳакимда ташвиш чекманглар.

– Яхши!– унинг гапини бўлди укаси.– Мана, Карлонинг ўзи айт-син, саломатлигингиз жойида эмаслиги шундоққина кўриниб турибди,– шундай дея у эшикни тараклатиб ёпиб, хонадан чиқиб кетди.

Элеонора юзини кўли билан беркитиб, хўнграб йиглашдан бир оз тўхтади. Д'Андреа Элеонорага тикилиб қараркан, ўзини ноқулай сезар, негадир хижолатда эди. Ниҳоят, у сўз котди:

– Нима бўлди ўзи? Нима воқеа рўй берди? Нахотки мендан ҳам буни сир тутсангиз? Элеонора ҳамон йиглашда давом этарди, Карло оғир-вазминлик билан гапираркан, ниҳоят, опасининг кўлларини юзидан аста туширди:

– Бўлди-да энди, йигини бас қилсангиз-чи,– кўндиришга уринди у опасини.– Қани, бир бошдан гапиринг-чи, нима бўлди. Кўркманг. Ёнингизда турибман.

Элеонора бошини чайқади ва беҳосдан йигитнинг кўлларида тутди-ю, бирпас сиқиб турди-турди-да, шу захоти юзи галати бўлиб, безовталанди ва:

– Карло! Укажоним Карло! – деб шивирлади.

Д'Андреа кизнинг қаршисида тиз чўқди.

– Ичингиздаги дардни менга айтинг, опагон...

Элеонора кўлини аста иягига тиради-да, охиста, тушқун ахволда, ялинганнамо:

– Карло, бу дунёни тарқ этишимга ёрдам бер. Садаганг кетай, ёрдамингни мендан дариг тутма, нима қилишимни билолмаяпман, бошим қотиб қолди.

– Бу дунёни тарқ этмокчиман, деяпсизми? – қулиб юборди Карло.– Қизик гапни айтдингиз-ку.– Нега ёш умрингизни эрта ҳазон қилмокчисиз?

– Яшагим келмаяпти! – деди Элеонора аста кўз ёшларини артиб.– Бу ишни кандай амалга оширсам бўлади, йўл кўрсат менга, Карло! Ахир сен шифокорсан-ку. Ортик бундай яшай олмайман! Ха, ха, яшай олмайман. Бундан ўзга чорам йўк. Дорилбакога рихлат этсам, хаммасидан кутуламан.

Карло Элеонорага хайрат-ла бокди. Киз хам йигитга тикилиб каради-ю, дархол кўзини юмиб олди, юзи докадек окариб, кўркувдан саросимага тушди.

– Кандай кунларга колдим-а, – деди Элеонора бир оз ўзига келгач,– Карло, мени худо уриб кўйди. Ха, ха, ишон, адоий тамом бўлдим.

Д'Андреа ўзини йўкотган кўйи кўлини Элеоноранинг кўллари орасидан тортиб олди.

– Нега адоий тамом бўласиз? Нега? – деб гўлдиради у.

Элеонора ундан кўзини олиб кочаркан, “секин” дегандай бармогини лабига кўйганча, эшик томон бош иргаб:

– Факат у билмаслиги керак! Худо хакки укамга бу хакда огиз очма! Аввал менга ёрдам бер. Менга дори керак. Сен дори берасан, мен ичаман-кўяман. Илтимос, тез таъсир киладиганидан бер. Жонимга касд килолмаяпман. Кўркаяпман! Шу хакда икки ойдан бери ўйлайвериб, ич этимни еб юбордим! Карло, айт-чи, опангга ёрдам берасанми?

– Кандай ёрдамим керак?– сўради д'Андреа ўзини йўкотиб.

Элеонора яна укасининг дўстини кўлидан тутиб, унга ёлворгандай нигох ташлади:

– Жонимга касд килишимни истамасанг... сен менга... кандай ёрдам беришинг мумкин?

Д'Андреа каддини тик тутиб, ковогини уюб олди.

– Карло, ёлвораман! – кайтарди у.– Ўзим учун эмас, укам Жоржони бўйнини хам килмаслик учун шундай килишим шарт. Факат Жоржо бу гапдан хабар топмаслиги керак. Карло, сизлар учун ўз умримни бахшида этдим. Ок ювиб, ок тарадим, сизларни оёкка кўйдим. Карло, оз бўлса-да, шуларнинг хакки-хурмати менга ёрдам бер, мени кийин ахволдан куткар! Нахотки, кийналишимни истасанг? Ўйлайвериб, юрак-багрим кон бўлиб кетди-ку, ахир! Шу ёшимда бу таънани кандай кўтариб юраман. Бу жуда огир, ха, жуда огирлик киляпти...

– Элеонора опажон, айтинг-чи, бу вокеа кандай содир бўлди? Ким у одам?– сўради д'Андреа беихтиёр бўлган вокеани тушуниб етгач, саросимага тушиб.

Элеонора хавотир билан эшик томон караб кўйди-да, юзини кўллари билан беркитиб олди ва:

– Билишинг шарт эмас! Хозир бу хакда ўйлашни истамайман! Нахотки Жоржонинг ахволига ачинмасанг? Эл орасида кандай бош кўтариб юради...

– Кандай рўй берди?– сўради д'Андреа,– Айтсангиз-чи, ахир. Бу катта жинойт-ку. Олдини ололмадингизми... ё чора тополмадингизми?

– Йўк, чора тополмадим,– катъий, алам билан деди Элеонора.– Етар! Нима демокчилигингни тушундим. Энди мени ёлгиз колдир. Мазам кочаяпти...

У бошини ўриндик суянчигига бехол ташлади-ю, бор гавдаси шалвираб тушди.

Карло д'Андреа ўзини йўкотганча Элеонорага кўзойнаги тепасидан караб турарди.

Софлик рамзи бўлмиш бу ажойиб киз кандай килиб ўзини ўлимга махкум этаётганини хис этаркан, бу иш унинг шаънига ярашмаслигини ўйлаб, бу ўй-фикрни калласига сигдира олмади. Эх, Элеонора Банди? Ахир у ўз ёшлигини бизни деб хазон килмаганмиди? Энди унинг ёшлиги коптими? Балки, шунинг учун хам номусдан ўлимига рози бўлаётганмикин-а?

Карло опасига караркан, унинг хаддан ташкари тўла гавдаси кўзига ёмон кўриниб, нафрати кўзиб кетди.

– Кани, йўлингдан колма! – жахл билан кичкирди Элеонора довдираб колган Карлонинг афтига хам карамай.– Бор, хамма гапни Жоржога айтиб бер. Менга нисбатан кандай чора кўрса кўраверсин, хаммасини ипидан-игнасигача айтиб бер. Кани, бор, жўна. Д’Андреа беихтиёр эшик томон йўл олди. Элеонора бошини даст кўтариб, унинг ортидан кузатиб колди. Эшик ёпилиши биланок, Элеонора хушидан кетди.

II

Д’Андреа уйдан чикиб кетгач, Элеонора икки ойдан бери уни эзиб юрган юкдан фориг бўлди-кўйди. Барча кўркинчли онлар ортда колганди. Бошига тушган гам-андухлар билан курашишга Элеоноранинг ортик мадори колмаганди. Майли, бу ёғи худодан, пешонасида борини кўради. Бу иш тезрок бир ёклик бўла колсайди!

Хозир укаси ёнига важохат билан киради-да, уни бир ёклик килиб кўя қолади. Начора, такдирга тан бермай иложи йўк... У хурматга хам, эътиборга хам лойик эмас. Тўгри, у укаси ва унинг дўстига керагидан ортик меҳр кўрсатган, борлигини багишлаган – хаёт такозоси шунга мажбур килганди. Буни карангки, мана энди топган обрўйи бир пул бўлиб ўтирибди.

Элеоноранинг юрагини вахима босди-ю, кўзларини чирт юмиб олди.

Ич-ичидан у ўзини айбдор хис эта бошлади. Ха, хаммасига унинг ёлгиз ўзи сабабчи, шунча йиллар давомида у хаётидаги барча кийинчиликларни енгиб ўтди, хаётда ўз ўрнини топди, ёмон ўй-хаёлларни миясига келтирмай, хаётда тўгри, халол яшашга одатланди. Хеч кутмаганда номусини йўкотди-кўйди. Накадар дахшат!

Лекин у укаси олдида ўзини оклай олмайди. Элеонора укасига: “Жоржо укажоним, барчасига аслида ўзинг айбдорсан”, дейиши хам мумкин. Гапнинг индаллосини айтганда, тўгриси хам шу-да.

Элеонора укасига оналик меҳрини берди. Хўш, бу яхшиликлар эвазига укасидан ва унинг дўстидан нима окибат кўрди? Факат уларни соғинарди, холос. Дорилфунунни тугатгач, икковлари хам ўз ишлари билан бўлиб кетдилар. Туну кун тиним билмай меҳнат килишади. Энди уларни опаларининг хаёти кизиктирмай кўйганди. Тезрок опалари билан хисоб-китоб килишга ошикардилар. Бу хол Элеонорани ич-ичидан кемирарди. Шундан кейин унинг хаёти мазмунсиз, зерикарли ўта бошлади. У укаларига кераксиз бўлиб колганлигини тушунгач, икки ўт ичида ёна бошлади. Ёшлиги эса аллақачонок кайтмас бўлиб ўтиб кетганди. Уни ортга кайтаришининг сира иложи йўк.

Укасининг олиб келган биринчи маоши хам унга тасалли бермади. Опаси ўз хаётини укаси учун курбон килганлигини англаб, Жоржо ич-ичидан эзилар, эрки ўз кўлида эмаслигидан ўқинар балки? Элеонора укасига шундай демокчи хам бўлди: “Жоржо, укажоним, мени ўйлама, мен факат хаётда ўз ўрнинини топишинингни истайман. Чин юракдан айтяпман... Бахтимга омон бўл”.

Лекин у укасидан таъна аралаш:

– Эй вох, опажон, нималар килиб кўйдингиз! Олдингиздаги карзимни узаман. Килган яхшиликларингизни унутганим йўк,– деган дашномларни эшитди.

“Карзимни узаман?” Кошки бунинг менга сарик чакалик фойдаси бўлса, дея бор овози-ла хайкирмокчи бўлди Элеонора. Укасини деб хаётини курбон килаётганда асло рухи тушмаган, таъна-дашномсиз, очик чехра билан хаётда ўз ўрнини топиши учун бор куч-куватини сарфлаганди.

Элеонора укасининг ўжар феъллигини билар, унга каттиккўллик килмасди. Уларнинг опаларига бўлган совук муомалаларидан, ўзларини бегонадай тутишларидан ўксинарди, холос. Ана шундай пайтларда Элеонора ўзини кўйгани жой тополмасди.

Укаси топармон-тутармон бўлиб колганди, опасига барча шарт-шароитларни мухайё килиб берди. Опасини муаллима бўлиб ишламасликка кўндирди. Ишсиз ўтаётган зерикарли кунлардан бирида тўсатдан миясига етти ухлаб тушига кирмаган: “Турмушга чиксаммикан?” деган фикр келиб урилди.

Ёши ўттиз тўккизда-я! Устига-устак семириб кетган. Кадди-комати ўзига мос бўлган куёв топиши керак! Турмушга чикиб кетса, укасининг ўзига кўрсатётган миннатдорлик мурувватларидан халос бўлиши мумкин. Элеонора худди боши боглик кизлардек ўзига караб юрадиган одат чикарди. Бу ўй аввал хеч хаёлига келмаганди. Ўзига оро бера бошлади.

Бир пайтлар Элеоноранинг кўнглига йўл топишни истаган йигитлар хозирда бола-чакалик бўлиб кетдилар. Аввал у буларга парво ҳам килмасди. Хозир-чи, хозир турмуш куриб кетган дугоналарига хавас килади.

Элеонора сўппайиб ёлгиз колганди.

Балки бахти хали олдиндадир. Нахотки у бола-чакалик бўлолмаса, танхоликда яшаш пешонасига ёзилганмикин-а. Нахотки, калбида ёнаётган алангани ўт олдира олмаса? Нахотки калб тугёнларига кулок солмай, якка-ёлгиз яшашга махкум бўлса?

Элеонора юрак-багрини ўртовчи гам-гуссага ботди. Кўнглини азобли армонлар кийнай бошлади. Ёкимтой лобарлиги аста-секин йўқолиб, кулгиси-ю, гап охангларига ўзгариш сезилди. Пичинг ва киноя билан гапирадиган, захарханда киладиган бўлиб колди.

Хулк-атвори тубдан ўзгараётганлигини ўзи ҳам хис эта бошлади. Кўнглига ёпирилиб кирган кора ўй-фикрлар калбини шиддат билан камраб олиб, тинчлик бермай кўйди.

Шу кунларда укаси тежаб-тергаб йиккан пулларига кишлокдан ер сотиб олиб, уй куришни режалаштираётган эди. У опасини уй курилишига бош-кош бўлиб туриш учун – бир ойга боришга кўндирди. Укасининг бу илтимоси опасидан кутулишнинг бир йўлидек бўлиб туюлди. Ўзим истикомат килаётган уйда якка ўзим колар эканман-да, деган хаёлга борди Элеонора. Ана шунда у эркин яшайди. Укасига огирлиги тушмайди. Ўзи ҳам шу ёшда турмушга чикиш ўй-фикрларидан фориғ бўлади.

Дастлабки кунлар осойишта ўта бошлади. Бу ерда эмин-эркин яшашни хаёл килди.

Элеонора барвакт туриб, дала кезишга одатланди. Дала кезаркан, хар кадамда тўхтаб, ён-атрофга хайрат билан сукланиб бокар, даланинг мафтункор сукунатига кулок тутарди, чунки бу ерда хар бир нарса эрта тонгнинг накардар бегуборлигини ангатарди, кишлок хўрозларининг кичкиригига кулок тутар, гохо тошларда ўсган замбуруглар тўдасига, гоҳ агдарилиб тушган дарахт тўнкасидаги духобадек товланиб турган пўпанакларга завкланиб бокарди.

Бу ерда шахардан ташкарида бошка одамга айланиб колсам эди. У билан кишлок хаёти хакида тўлиб-тошиб, ширин сухбатлар кураётган мана шу ижарачининг ёкимтой хотинига айланиб колсам-а, деган фикр ўтди миясидан... Бу бегараз сухбатдан у хаётнинг янги кирраларини кўра бошлади.

Ижарачининг феъли огир эди; у ўзини кўпни кўрган одамман деб, магрур тутарди. Ха, чинданам кўпни кўрган, кўп ерларда бўлган ҳам. Америкада бўлган, саккиз йил Беноссарияда истикомат килган. Шунинг учун ҳам у ёлгиз ўглини оддий кимса бўлиб колишини истамасди. Ўгли ўн уч ёшга тўлганди, уни билим юртига жойлаштириб кўйди. Саводи чикса Америкага юборишни мўлжаллади, жуда катта мамлакат, одамлар ичида

тобланади, деб ўйлади.

Жерландо хозир ўн тўккиз ёшда. Кўп йиллардан бери ўкиса-да, калласига бир нима кирай демасди. Кад-коматдан худо қисган, кўриниши кўпол. Отасининг ўта гамхўрлигидан ниҳоятда чарчаган эди. Ўқиши давомида у шахарликларга хос баъзи киликлар орттирди, бу унинг кўринишини янада соқувлаштириб юборганди.

Хар куни эрталаб у хурпайган дагал сочларининг фарқини очиб тарарди. Сочлари куригач, фарқлари ҳам бузилиб галати холда диккайиб кетарди, кошлари барок, соқол-мўйлови сабза урганди. Жерландога ҳаёт хар томонлама кулиб бокмаганди. Доимо китоб устида қовушмай мук тушиб ўтиришини кўрган одамнинг унга раҳми келарди. Отаси уни уйқудан уйготгунча она сути оғзига келарди. Уни тез-тез уйқу элтарди. Уйқуси ёзилмаган, довдираб турган ўглини отаси шахарга жонини кийноққа солиб, олиб бориб кўярди.

Кишлоққа Элеонора хоним келгач, Жерландо онасига, айтинг, анови хоним отам билан гаплашиб, мени кийнаб ўқишга юбормаслигини тушунтирсин, дея ёлборди. Ўқишни жиним суймайди. Жин урсин, ўқишни хохламайман, деди.

Элеонора йигитнинг отаси билан гаплашди. Аммо ўглининг одам бўлишини истаган ота Элеоноранинг гапига кулоқ солишни истамади ҳам. Ундан бировларнинг ишига аралашмаслигини сўради. Шундан сўнг Элеонора бир оз овуниш, нима биландир шугулланиш мақсадида ўқишдан безган бечора болага кўлидан келганча ёрдам бера бошлади.

Элеонора хар куни чошгоҳдан сўнг Жерландони хонасига чорлаб, илм олишига ёрдам бера бошлади. Жерландо хонага уялиб, ўзини йўқотган холда дафтар-китобларини кўлтиклаб кириб келарди. Хоним укувсизлигимдан, эрмак килиб устимдан кулса-я, деган ҳаёлга борарди. Бола ўзига қолса бу ерга келмасди-я, лекин отасининг зўри билан келишга мажбур эди. Жерландога худо илм олишни юқтирмаганди. Кўчат ўтқазиш дейсизми, мол боқишми, буларнинг барини жонини киргизарди. Бола Элеонорага муқулдор кўлларини кўз-кўз килиб, мулойим тикиларкан, оғзини катта очиб, оппоқ, соғлом тишларини кўрсатганча баралла куларди...

Элеонора кун ўтган сайин Жерландони жини суймай қолди. Шахардан роялини олдириб келтирди, хонасининг ичидан кулфлаб олганча мусика чалишга, баъзида китоб ўқишга берилиб кетарди. Жерландо Элеоноранинг суҳбатларидан, кўрсатаётган мурувват-ларидан, ёрдамидан дабдурустдан махрум бўлгач, деразаси тагида пусиб ўтирганча унинг роял чалиб, кўшиқ айтишини эшитаётганини киз тўсатдан пайқаб қолди. Шу топ Элеонора бемаъни ўйга бориб, болани кўлга туширмоқчи бўлди. Дабдурустдан роял чалишдан тўхтади-ю, пиллапоядан зингиллаганча пастга югуриб тушаркан:

– Ия, бу ерда нима қиялсан? – сўради Жерландодан.

– Тинглаяпман, – жавоб қилди у.

– Ёқаяптими?

– Жудаям, эшитиб мацца қиялпман, хоним! Худди жаннатга тушгандек!

Элеонора хандон отиб кулиб юборди. Шу топда боланинг ҳам юзига кулгу инди.

Кутилмаганда у Элеонорага ташланиб қолса бўладими... Болаҳонадан пастга гира-шира ёруғлик тушиб турарди.

Алалхусус, бу воқеа шу куни рўй берганди.

Кутилмаганда рўй берган бу воқеадан киз довдираб қолди, девқомат боланинг исқанжасидан ўзини қутқаришга ожизлик қилди, ўзи истамаган холда хушини йўқотди, боланинг эхтирос-ла илондек чирмашишидан унга ўз изини бериб қўйди...

Эртаси куни Элеонора шахарга кайтиб кетди.

Энди нима бўлади? Жоржо нега келмаяпти? Бўлган ишни д'Андреа унга айтмаганмикин. Балки қандай ёрдам беришни ўйлаётгандир?

Элеонора дабдурустдан каршисида жарлик пайдо бўлгандек, кўркиб кўллари билан юзини беркитиб олди.

Элеонора икки ўт орасида ёнарди. Бу дунёдан кўз юмсагина барчасига нукта қўйган бўларди. Бу ишлар қачон нихоясига етаркин-а. Эшик очилиб, бўсагада юзидан кони кочган, кўзлари кизарган, довдираганча кириб келаётган Жоржо кўринди. Д'Андреа унинг ортидан эргашиб келмоқда эди.

– Бир нарсани билмоқчиман? – дона-дона гапириб сўроқка тутди у опасини. Унинг кимлигини билмоқчиман?

Элеонора кўзини ердан ололмай ўтирарди, сўнг бошини аста кўтараркан, уввос солиб йиглаб юборди.

– Кимлигини хозир айтасиз!– сўзида катъий турганча кичкирди Банди. Ким бўлишидан катъий назар, сиз унга турмушга чикасиз.

– Йўк! Йўк!– шивирлади Элеонора бошини яна-да қуйи соларкан кўллари титраб.– Айтолмайман! Иложим йўк!

– У аблах уйланганми?

– Йўк уйланмаган,– шоша-пиша деди Элеонора.

– Исмини айтинг! Ким у аблах? – Опасини кистовга олди Банди. – Ким ўзи? Айтсангиз-чи?

Элеонора укасининг ўкрайиб қарашидан жунжикиб, аранг бошини кўтарди.

– Айтолмайман,– дея шивирлади.

– Айтинг, ортик газабимни кайнатманг, охири ёмон бўлади,– дея бор овози билан кичкириб опаси томон муштини дўлайтириб кела бошлади Жоржо.

Д' Андреа уларнинг ўртасига тушиб:

– Жоржо, қўй, ўзингни бос. Яхшиси, хонадан чикиб кет. Менга бўлган воқеани сўзлаб берадилар. Кани, бу ердан чикиб кета қол,– деди катъий охангда Карло.

Дўсти шу тарзда уни хонадан чиқариб юборди.

III

Укаси ўз сўзида туриб олди.

Тўй арафасида нима қилиб бўлса ҳам жанжал чиқаришга ҳаракат қиларди. Одамлар орасида қулги бўлишдан чўчиб, барчага шарманда бўлганини сўқиниб сўзларди. Жоржо гўё ақлдан озгандек эди; барча унга ачинарди, холос.

Жоржо Жерландонинг отаси билан тил топишиши осон эмаслигини хис этди.

Кария илгор фикрли киши бўлса-да, тезда кизишиб кетадиган одати бор эди. Аввалига у нима гаплигини тушунмади. Гап нимада-лигини англагач:

– Ташвишланманг! Боплаб адабини бераман! Вой, аблах-ей! Ичак-чавогини ағдариб ташласаммикан? Яхшиси, қўл-оёгини боглаб сизга топшира қолай. Аламдан чиқиш учун билганингизни қилинг. Жонини киритиб савалашингиз учун хипчинларни уч кун сувга солиб қўяман. Хохлаганча савалаб, хумордан чиқинг.

Жоржо савалаш билан иш чикмаслигини айтиб, ўглини опасига уйлантириб қўйишни таклиф қилганда, кария эсанкираб қолди:

– Нималар деяпсиз! Гапингизга тушунмаяпман... Эътиборли хоним ижарачининг ўғлига

турмушга чиқадиларми? – катъий деди у. Ва яна сўзида давом этди:

– Мени кечирасиз-у, хоним ўғлимдан йигирма ёш катта. Акллари кирари кириб, чиқари чиққан. Менинг думбул ўғлимни йўлдан урмасликлари керак эди. Айтмоқчи эмасдим, энди айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Хоним хар куни ўғлимни хузурига чакириб оларди. Ўзингиздан колар гап йўк... Ўғлимнинг она сути огзидан кетмаган, гўр бола бўлса. Тўгри, бу ёшда уларнинг кўзи конга тўлади. Шайтон ичларига кириб олгач, нима килиб кўйганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Ўғлимдан ажралиб қолиш менга ҳам огир; уни одам қиламан деб канчадан-канча пулларни сарф қилиб юбормадим дейсиз! Хафа бўлманг-у, хоним ўғлимнинг онаси тенги келади-я... Бу ёғи кандок бўлди...

Банди кизнинг сепига катта бир кўргон ва анча-мунча пул ваъда қилди. Шундай қилмаса гишт қолипидан кўчишини фахмлади.

Ана шу тарзда тўй қилишга келишиб олдилар. Элеонора истикомат қилаётган кичик шаҳарчада бу воқеа катта шов-шувга сабаб бўлди.

Кўп йиллар давомида иззатини билиб яшаётган бечора кизнинг устидан ошқора равишда кула бошладилар. Шивир-шивир гаплар гўё гап ташиётганларга роҳат бахш этаётгандек эди. Аввалги хурмат-эътибор ўрнини хозирги шармандалиқ босиб кетганди. Хамма Жоржога ачинарди; у тўйда иштирок этмади. Гам-гуссалар изтиробида қолган бечора дўстини ёлғиз қолдирилмаслигини айтиб, д'Андреа ҳам тўйда катнашмади. Элеаноранинг ота-онасини даволаб юрган ёши бир жойга бориб қолган шифокор (шуни эслатиб кўйишимиз керакки, дорилфунунни тугатиб д'Андреа даволашнинг антика усулларини топиб, унинг кўпгина беморларини ўзига огдириб олганди) гувоҳ бўлишга розилик билдирди. У ўзи билан бирга дўсти-ю, яна бир қолни ҳам олволди. Қол никоҳ пайтида иккинчи гувоҳ ўрнига ўтди.

Гувоҳлар билан бирга Элеонора извошда шаҳар мэри томон, сўнг шаҳар четидаги мўъжаз ибодатхонага йўл олдилар.

Иккинчи извошда эса ковогидан қор ёғаётган қуёв бўлмиш Жерландо ўтирарди. Қуёв болага ота-онаси ҳамроҳ бўлиб кела-ётгандилар.

Улар тўй бахонасида башанг қийиниб олишган, аммо чехралари тунд, ковоклари солиқ холда кетиб бормокда эдилар. Буни қарангки, ўғиллари бойвучча хонимга уйланмокда, келиннинг сепига катта ер, яхшигина уй-жой ва пул берилганди. Жерландо энди ўқишини давом эттирмаса ҳам бўлади, уй-жой ишлари билан отаси шугулланаверади, бундай ишларнинг жонини қирғизади. Келиннинг ёши улуг-да. Балки, бир томондан бу яхшидир. Меросхўр бўлиб қолади. Табиат қонунларига кўра, у аввалроқ бу дунёни тарқ этса, Жерландо эркин ва пулдор бойвачча бўлади-кўяди.

Учинчи извошда кетаётган қуёв томондан бўлмиш отасининг дўстлари, кекса дехқонлару иккита холаси ҳам шу ўй-хаёлда эдилар. Қолган қариндошлару Жерландонинг йигилган дўстлари кўргонда кутиб ўтирардилар. Йигилганлар ясан-тусан қилиб олишган; эркаклар қора мовутдан тикилган куртқада. Аёллар эса устларига янги ёпинчиклар ташлаб, бошларига ялтир-юлтир рўмолларини ўраб олишганди. Қуёвнинг отаси илгор дунёқарашли инсон бўлганлиги учун тўй тадоригини яхши ташкил этганди.

Мэр хузурига етиб келишганда Элеаноранинг хўрлиги келиб, йиглаб юборди.

Қариндошлар унинг ёнига қуёвни суриб кўйдилар. Аммо Элеонора томондан гувоҳликка қелган қари доктор қуёв хозир четроқда турани маъқул, деди.

Йигидан ўзини тўхтата олмаётган Элеонора никоҳ қайд қилинадиган саройга кириб қелди. Ёнида уятдан, ўнгайсизликдан янада беўхшов, тўпори бўлиб кўринаётган қуёвга кўзи тушди-ю, қазаби қайнаб кетди; “йўк-йўк” дея қичкириб юборишига бир баҳя қолди.

Зора, куёв никохни рад этса деб, унга каради. Аммо икковлари хам такдирга тан бериб “розиман” деган жавобни бердилар. Тезда никох расм-русумлари бажарилди.

Маросимда катнашганлар худди мотамда иштирок этгандек совуккина кўргонча томон йўл олдилар. Элеонора кадрдон дугоналаридан ажралгиси келмасди. Аммо у эри, кайнона-кайнотаси ўтирган извошга ўтиришга мажбур эди.

Улар йўл давомида чурк этмай бордилар. Куёвнинг ота ва онаси паришон холда кетиб борардилар, дам-бадам келинларига ер остидан ўгринча караб кўяр, дамлари ичларида, бир-бирларига маъноли тикилиб, кўзларини ердан узмасдилар. Жерландо эса ковогини уйганча извошда деразадан ён-атрофни кузатганча хаёл суриб борарди.

Кўргонда уларни шод-хуррам, кий-чув, килганча пакил-док-ларни отиб, карсаклар чалиб кутиб олдилар. Йигилганлар келинни ўз удумларига кўра табрик билан кутишга шайланиб турар, келинчак уларга жилмайиб карамоқчи бўлди-ю, лекин бунинг уддасидан чика олмади, йигилганлар келинни кўрдилару ханг-манг бўлиб колдилар. Келинчак ўз хонасига чикиб, бир оз дам олиш максасида изн сўради. Унга рухсат бердилар. Элеонора хонасига чикиб, келин билан куёв учун ўрин тўшаб кўйишганини кўрди-ю, донг котиб колди. Нахотки болакай билан бир тўшакда ётса! Хечам-да! Бундай бўлиши мумкин эмас! Асло! Келинчакни титрок босди, дархол ўзини бошка хонага урди-ю, ичкаридан эшикни кулфлаб олди. Креслога ўтирганча кўллари билан юзини беркитди.

Ташкаридан хайкирик ва кулгу овозлари эшитиларди. Мехмонлар Жерландони тинчитмасдилар, улар келинни эмас, унинг сепию, оиласини мактардилар.

Жерландо мик этмай деразага тикилганча турарди. Юз берган воқеадан жуда изтиробда, дам-бадам бакуват елкаларини учуриб кўярди.

Ха, у номусдан ерга кириб кетай дерди. Шу хонимга уйлангани учун дили азобда эди. Барчасига отаси айбдор, “ўки, ўки” деб хол-жонига кўймади, хоним хам уни тинмай мазах киларди, дилини огритарди. Мана, окибати нима бўлди. Отаси бўлса карикизни келин килганидан хафа хам эмас. Бахонада ерли-жойли, пулдор бўлиб олди. Аммо ўглининг холи не кечади. Кизик, ўзидан икки баробар катта хоним билан кандай яшайди, ахир ундан кўркади-ку! Хоним шармандалиқдан кутулиш учун унга турмушга чикишга рози бўлди. У хонимга хотини сифатида кайси юз билан қарайди. Устига-устак отаси ўкишини давом эттиришини талаб килиб турибди. Ўкишга кандай боради, ахир хамма унинг устидан кулади-ку! Келиннинг ёши куёвникидан йигирма ёш катта бўлса, устига-устак семизлигини айтмайсизми! Худди айикка ўхшайди-я.

Жерландо ана шундай хаёлларга чўмиб турган кезде унинг ота-онаси сабрсизлик билан зиёфат дастурхонига ўтиришни кутишарди. Нихоят, улар дастурхон тузалган хонага тантанавор холда кириб келдилар. Дастурхонга тортилган барча ноз-неъматлару егуликларни шахардан келган ошпаз ўзи билан эргаштириб келган ёрдамчилари билан тайёрлаган эди.

Ота ўгли ёнига келиб:

– Бор, хотинингни овкатга таклиф кил, – дея буйрук берди.

– Бормайман, таклиф хам килмайман,– депсиниб тўнгиллади Жерландо.– Ўзингиз бориб чакиринг.

– Тўнка, у сени чакиришингни кутмоқда, мени эмас, – бакирди отаси. – Ахир сен унинг эрисан. Кани, кимирла тезрок. Тезда келсин!

– Ўзингиз бориб чакиринг, бормайман дедимми, бормайман,– ўжарлик киларди Жерландо.

Сабр косаси тўлган ота ўглининг ёкасидан олиб, кетига бир тепди.

– Энди уяласанми? Ахмок бу галвани ўзинг бошладинг. Буни каранглар-а, энди номус килаётган эмишлар! Кани, хозирок келинни олдингга солиб чик-чи! У энди жуфти халолнинг бўлади.

Бу галвадан хабар топган мехмонлар ота-болани ажратар эканлар, зўр бериб Жерландони келинни чакириб чикишга ундардилар.

– Чакирсанг нима бўпти? Бориб, бир қадахдан май ичишни таклиф кил, тамом-вассалом...

– Уни нима деб чакиришни билмайман! – чорасизликдан гўлдира-ди Жерландо.

Бу гапдан йигилганлардан баъзилари кулиб юбордилар, бошқалар эса тўйни бузаётган ўглини дўппослашга чоғланаётган отани тинчлаштиришга ҳаракат килардилар. Ахир бу тўй базмига анча-мунча пул сарфланган эди-да.

– Исмини айтиб чакирасан,– деб ўглига шипшиди онаси.– Исми нима эди? Элеонора эдими? Элеонора деб чакиравер, энди у сенинг хотининг-ку. Боракол ўғлим, бор...

Жерландо бориб келин ўтирган хонанинг эшигини аста коқди. Бир оз кутди. Жавоб бўлмади. У билан қандай муомала килса экан? Дабдурустдан сенласамикан? Жин урсин хаммасини! Қандай шармандалик. У нега жавоб бемаяпти? Хойнахой эшик коқаётганимни эшитмаётгандир. Жерландо эшикни каттиқроқ коқди. Яна бир оз кутди, жавоб бўлмади. Жерландо батамом ўзини йўқотиб кўйди. Онаси ўргатгандек килиб келинни номини айтиб аста чакира бошлади. Аммо овози ўзига кулгили бўлиб туюлди, чунки довдираб келиннинг исмини адаштириб, “Энеолора” деб чакирган эди. Дархол килган хатосини тузатиб дабдурустдан баланд, буйрукнамо охангда Элеонора, деб чакирди.

Шу тоб ичкаридан: – Ким у? – деган овоз эшитилди.

Жерландо овоз келган хона томон аста юрди.

– Бу менман...– деди Жерландо.– Мен, Жер... Жерландоман. Дастурхонга таклиф килгани келдим.

– Мен чикмайман. Ўзинглар бемалол ўтираверинглар.

Анча енгил тортган Жерландо дастурхон тузалган катта хонага кайтиб келди.

– Келмас экан. Бемалол ўтираверинглар, деди.

– Сен ахмоксан! – кичкирди отаси (у ўглини доимо шундай дерди).

– Бугунги ёзилган дастурхон тамоман бошқачалигини – тўй дастурхони эканлигини унга уқтирмадингми? Зўрлаб олиб чикиш керак эди.

Гапга онаси аралашиб, хозирча келинни ўз холига кўяйлик, деди. Мехмонлар ҳам онанинг гапини кўллаб-кувватлашди.

– Чикишга юзи чидамаяпти, ха, уяляпти,– дейишди йигилганлар.

Кайнота кези келганда келинига нималарга колдирлигини кўрсатиб кўймоқчи бўлди.

Келини тўй дастурхонига ташриф буюрмаганидан даргазаб бўлган кайнота овкатларни дастурхонга тортишни буюрди. Тўйга йигилганлар шахарлик ошпаз пиширган таомларни татиб кўриш иштиёкида иштахалари карнай эди. Улар дастурхон тузатилишидан хайратга тушдилар. Дастурхон устидаги каттаю кичик қадахлар, санчкилар, пичоклар ва юпка коғоз салфеткаларни кўриб, буларнинг нима кераги бор экан, деб ўйладилар.

Мехмонлар башанг кийиниб олганча, карама-карши ўтирган холда бир-бирларига тикилиб, кабарик кўлари билан кумуш санчкилару пичокларни қандай ишлатишни билолмай гаранг эдилар, айникса, ок кўлкоп кийиб хизмат килаётган хизматкорлар уларни хайратга солганди.

Жерландонинг отаси гарданини каший туриб кавшанганча ўглига караб мингирлаган

кўйи:

– Унинг ўтиришига каранглар! Беўхшовлигини-чи! Келин бу гўрсўхтага қандай кўнгил берсин! Бекорга уялмаяпти. Эҳ, кани энди сенинг ўрнингда мен бўлиб колсам эди!..– деди.

Тўй ҳам совук ошдек ўтди, йигилганлар турли сабабларни ваҳ килиб, уй-уйларига таркала бошладилар, ён-атроф зим-зиё коронгулик огушида.

– Хўш, энди нима киласан? – деган саволга тутди ота ўглини хизматкорлар дастурхонни йигиштиришаётган пайтда. – Айт, нима киласан? Бу ёгини ўзинг хал кил!

Шундай деб, ота хотинини кўргончадан нарида жойлашган уйлари томон бошлаб кетди. Улар кетганидан кейин Жерландо ён-атрофга бўшашиб қараб кўйди. Энди нима килса экан?

У хоналардан бирида беркиниб, индамай ўтирган хотини борлигини хис этарди. Балки энди у ташқарига чиқар? Хамма уй-уйига тарқаб кетди-ку! Нима килса экан-а?

Ох, кани энди боши очик бўлса-ю, у ҳам онасига эргашиб уйига кетса, дарахт тагида мазза килиб ором олса!

Балки Элеонора Жерландонинг чакиришини қутаётгандир? Такдирига тан бериб, эрини ичкарига кириб келишини қутаётган бўлса-чи! Ха, ха, такдирга тан бермай қаёққаям борарди.

Жерландо аввалига кулогини динг килди. Атроф сукунатга чўмган. Хойнахой, келин донг котиб ухлаб ётгандир. Вакт алламахал бўлиб колган, атрофни зимистонлик чуллаган, болохонадаги очик эшик тиркишидан ёруглик тараларди.

Жерландо чирокни ҳам ёкмай бир стулни ўзи билан болохонага олиб чиқди, у ердан бутун кишлок ва узокдаги денгиз кўриниб турарди.

Хаво очик, юлдузлар самода жилва килар, денгиз узра ой шуъла сочар, чигирткаларнинг тинмай чириллаши кулокка чалинарди.

Дабдурустдан, бойўглининг ёкимсиз овози эшитилди, кетма-кет бошқаси ҳам овоз бера бошлади, улар узок вақт коронгу тун кўйнида навбатма-навбат хув-хувлай бошладилар.

Жерландо панжарага суянганча узок вақт бойўгли овозига кулок тутаркан, калбини кийнаётган огир сикув аста-секин таркалаётганини хис этди. Сўнг кўзи кўргонни ўраб турган деворга тушди, энди буларнинг бари ўзига тегишли эканлиги хаёлидан ўтди, бу ерда ўсаётган барча дарахтлар: зайтун, бодом, анжир дарахтлари-ю узумзор ҳам энди унга тегишли.

Ха, отаси кувонганича бор экан, энди у ҳеч кимга қарам эмас.

Отаси уни ўқитмокчи бўлганида ҳам узокни кўзлаган экан. Энди ўқишни давом эттиради. Хотини олдида ивирсиб юрганидан кўра бориб ўқигани маъкул. Мабодо, ўртоқлари устидан кулиб, мазах килгудек бўлсалар, адабларини бериб кўяди. Ахир у бойвачча-я, яхши ўқимаса ўқишдан хайдаб юбора олмайдилар. Бу ердаги бойваччалар олдида шарманда бўлмаслик учун ҳам астойдил ўқийди. Тез кунда колган дарсларни ҳам ўзлаштириб олади. Яна тўрт йил ўқиса агроном ёки танобчи деган хужжатни олади.

Кайниси кўзга кўринган адвокат, опасини кўнгилдагидек одамга узатмаганидан эзилиб юргандир. Ҳечкиси йўқ, ишимни топиб олганимдан кейин ўзи таъзим килиб келади хали!

Ха, албатта, кўли кўксида келади! Шунда у: “Менга қари опангни хотинликка бердингми”, деб уялтиради, “Мен ҳам ўқимишли инсонман, ёш ва гўзал хотинга уйланишга ҳақким бор”, деб кайнисини тузлайди. Шу ўй-хаёллар билан бошини панжарани ушлаб турган кўллари устига кўйди-ю, пинакка кетди.

Тун ярмидан окканда худди соя қаби ичкаридан Элеонора чиқиб келди. У Жерландони

уйгок деб ўйлаганди. Унга нисбатан ачиниш хисси уйгонди ва баногох уни вахима босиб кетди. Элеонора ўз карорини унга айтиш учун хонасига олиб кириш макседида уни уйготсаммикан, деган хаёл билан жойида тик туриб колди. Аммо эри саналмиш бу кимсани уйготиш учун кўлини унга теккизолмади, унинг исмини айтиб чакиришга ҳам журъат этолмай, хонасига кириб кетди.

IV

Барча ишлар хамирдан кил сугургандек хал бўлди-кўйди.

Эртасига эрта тонгда Элеонора Жерландога кўнглидагини тўкиб солди. Бу унинг хакикий эгаси Жерландо эканлигини, кўнглига келган ишни килиши мумкинлигини, унинг этагига осилиб, огир юк бўлмаслигини айтди. Ундан факат бир нарсани – ёшлигидан уни яхши биладиган кекса хизматкор аёл билан алохида кичик бир хонада яшашига рухсат беришини сўради, холос.

Ярим тунда Жерландо гирт маст холда келди, уни ошхонадаги диванга ёткизиб кўйишди. Эрталаб уйгонгач, ичкиликдан ўзига келолмаётган Жерландо ўзини зўрлаб ковогини солишга уринарди, гўёки бу хонадоннинг эгаси у-ю, ўзини гапга кўндириш осон эмаслигини кўрсатиб кўймокчи бўларди. Элеоноранинг гапираётган хар бир сўзига, жиддий турганча бош иргаб кўярди. Ўгилларининг ахмокона бу ишидан ота-оналарининг фиғони фалакка чикарди. Ўгилларига канча панд-насихат килмасинлар, у кулогидан кириб, бу кулогидан чикиб кетарди. Улар хамон бошка-бошка уйда ётардилар.

Жерландо отасини тинчлантириш макседида ўкишига октябрнинг бошларида кайтиш ниятида эканлигини айтди. Келинига аччик килган онаси Жерландога энг шохона хоналарда яшашини, олиймаком ўкишларда ўкиб, яхши ошхоналарда овкатланишини тайинлар экан:

– Сен хотинингга бўш келма! Бўлмаса ўзим бориб, эр деганни кандай иззат-хурмат килиш кераклигини ўргатиб кўяман! – дерди бобиллаб.

Эрини хурматини жойига кўймаётган димогдор келинини кечирмаслигини, бир умр у билан гаплашмаслигини айтиб, онт ичди. Шундай йигитни кадрига етмаса-я! Гапнинг индаллосини айтганда, ёшгина йигит карикизга муносибмиди, а?!

Жерландо ўкишга шўнгиб, имтихонларга тайёргарлик кўра бошлади. Вакт жуда оз колганди, бор-йўги уч хафта. Худо ўнглаб астойдил харакат килса борми, уч йилдан бери уддасидан чиколмай келаётган ўкишини тугатиб, етуклик хужжатини кўлга киритар.

Бўлиб ўтган воқеалар бир оз нутилиб, энди ўзига келган Элеонора хизматкор кампирнинг маслахати билан тугилажак фарзандига кийим-кечак тикишга киришди. Аввалари бу ҳақда ҳечам ўйламаган экан.

Кекса хизматкор кампир Жеза Элеонорага чакалокка кўйлак билан калпокча тикишни ўргатди. Такдир Элеонорага шундай овунчок хадя этиптики, энди барча кўргуликлари унут бўлади. Хох ўгил фарзанд кўрсин, хох киз, унга бутун борлигини багишлайди! Парвардигор ол кулим, деб ўгил фарзанд ато этса борми, ажойиб иш бўлурди.

Элеоноранинг ёши ҳам ўтиб колган – узок умр кўрадимми, йўкми, худо билади – киз болани тўпори отасига кандай ишониш мумкин? Киз бола деганлари нозик нав-нихол бўлади. Ўгил бола кўпам хаётда кийналмайди, бир кунини кўриб кетаверади.

Бу азобли ўй-хаёллар уни чарчатди, тикиш-чатиш хам жонига тегди, ўзини чалгитиш макседида уийдан олиб келган китобларини биринчи бор кўлига олди. Ахён-ахёнда

хизматкор кампир томон юз буриб:

– У шу ердами? –деб сўраб кўярди.

Жеза энсаси котиб: “Ха, шу ерда”, деб тўнгилларди. Сўнг елкаларини кисганча ижирганиб лабини бураркан:

– Бошини китоб устига кўйиб ётибди. Балки, ухлаётгандир. Ким билсин, балки хаёл суриб ётгандир,– деди.

Жерландо хаёл дарёсига гарк бўлганди. Бу кандай хаёт бўлди, деб ўйларди.

Ха... у хўжайин, аммо кимнинг устидан хукмини ўтказишни билмасди; хотини борми, йўкми, ўзи хам сезмасди. Ота-онаси билан муносабати яхши эмас, ораларига совукчилик тушган. Хаёт унга кулиб бокмаганди, канча ўкимасин, калласига ҳеч нарса кирмасди.

Жерландо ўзини кўярга жой тополмасди. Ишга кўли бормас, аламли изтироблар огушида юрак-багри эзилмоқда эди. Хотини унинг кўкрагидан канчалик итарса, у хотини томон шунчалик талпинарди. Дабдурустдан хотинидан кўнгли совий бошлади. Кўргонни эплаштириш ташвиши Жерландонинг бўйнида эди.

Жерландо ўрнидан даст туриб газаб билан хонасидан чикарди-ю, кия очик эшик тиркишидан хотинини кўргач, жахлидан тушарди. У огир хўрсиниб кўяркан, журъати етишмаётганидан, ҳечкиси йўк, хаммаси йўлга тушиб кетади, деб ўзини овуларди.

Кунлардан бир куни навбатдаги имтихондан ўтолмай шахардан кайтиб келди. Ўқиш хам жонига тегди. Шунча ўкигани етар! Савил колсин хаммаси! У жахл устида стол устидаги китоблару, дафтарлар, чизмалари-ю, барча-барча ўкув куролларини уйи ташкарисига олиб чикиб уйди-да, ўт кўйиб юборди.

Югуриб келган отаси уни тўхтатиб колмокчи бўлди. Жерландо баногох портлаб, отасига ўшқирди:

– Менинг ишимга аралашманг!.. Ёш бола эмасман, бойваччаман.

Онаси ва далада ишлаётган дехконлар югуриб келишди. Когозлар уюми аланга олмоқда эди, тутун тобора куюклашиб борар, олов гуриллаганча осмонга ўрларди.

Шовкин-суронни эшитган Элеонора болохонага югуриб чикди, кетидан хизматкор кампир хам хозиру нозир бўлди.

Жерландо уст кийимини ечиб ташлаган, газабдан ранги кув ўчган, курк товукдек хурпайганча узок йиллар ит азобида кийналиб ўкиган китобу дафтарларини аланга томон улоктирмоқда эди.

Бу холдан Элеоноранинг кулгуси кистади ва шоша-пиша ўзини ичкарига олди.

Келинининг килган ишини кўриб, кайнонанинг газаби жўш уриб, ўглига:

– Килаётган ишингдан хотинингнинг хурсандлигини кўряпсанми? Сени мазах кияпти! – дея ўшқирди.

– Мазах килишни унга кўрсатиб кўяман! – кичкирди Жерландо болахона томон ўгирилиб караркан.

Бу гапни эшитган Элеоноранинг афт-ангори бўзариб кетди. У шу дамгача кечириб келаётган осуда хаёти дарз кетганлигини хис этди. Энди киска вақт ичида осуда ўтаётган хаёти тўс-тўполонга айланадими? Бу тентак ундан нима истайди ўзи?

Элеоноранинг сабр косаси тўлди. Ортик чидай олмайди бу пичинглару азоб-укубатларга.

Шу тоб кўзи баногох Жерландога тушди. У тинмай хансирар, газабдан талвасага тушиб, хотинига ўшқира бошлади:

– Етар, бас! Мени мазах килаяпсанми! Ха, отам оддий дехкон, мен хам. Нима, бойвуччаман деб керилаяпсанми? Бу латта-лутталарингни кўзимдан йўкот! Болага

шохона кўйлақларнинг кераги йўк. У ҳам менга ўхшаб дехкон бўлади. Хизматкор кампирнинг жавобини бер, йўқолсин уйимдан. Уй-жойга ҳам, ош-овкатга ҳам бугундан бошлаб ўзинг қарайсан. Онам юргизаётган рўзгорни сен ҳам эплайсан, ўлиб қолмайсан. Тушундингми гапимга!

Элеонора аста ўрнидан турди.

– Онанг билан ишим йўк,– деди у Жерландонинг кўзига викор-ла тик бокиб.– Мен синьёраман, сен мени дехкон аёлига айлантира олмайсан.

– Сен менинг оддий хотинимсан! – кичкирди Жерландо Элеоноранинг кўлига кўполлик билан ёпишиб. – Айтганимни қиласан. Нима десам, шуни қиласан. Тушундингми?

Сўнг Жерландо хизматкор кампирга эшикни кўрсатиб:

– Кани, уйимдан туёгингни шикиллатиб қол-чи!– дея кичкирди.

– Жеза, тўхта, мен ҳам сен билан кетаман! – дея кўлини бўшатмоқчи бўлди Элеонора.

Лекин Жерландо хотинига дагдага қилиб, кўлини кўйиб юбормай, яна-да махкамрок сикди.

– Хеч қаерга кетмайсан, шу ерда қоласан. Мендан осонликча қутуламан деб ўйлаяпсанми! Сени деб, тоза эшитадиганимни эшитдим. Кани, хонангдан ҳамма нарсаларингни олиб чиқ! Етар, шу пайтгача ҳамма азобни бир ўзим тортганим. Шунча кўз ёши тўққанларим етар.

– Нима учун кўз ёши тўқдинг,– йигисини аранг босиб сўради Элеонора. – Сендан мен хеч нарса талаб қилмаяпман-ку!

– Ия, хали талаб қиламаганинг шуми? Сенга тегинмаслигимни, сенга яқинлашмаслигимни талаб қилмадингми?– Нима, мен ердан чиққан кўзикачинманми?

Сиздек хоним билан гаплашишга ҳақким йўқми? Менга хизмат қилиш учун хизматкор ёлладинг. Нега бошқа хотинлар қаби менга ўзинг хизмат қилмайсан, а?!

– Мендан нима истайсан, ўзи? – деди Элеонора ўзини босишга уриниб.– Гар шуни истар экансан, сенга ўзим хизмат қилганим бўлсин.

Шу тобда Элеоноранинг мадори қолмай, кўзларига ёш қалқди, баногоҳ боши айланиб, хушидан кетди. Бу ҳолни кўриб ўзини йўқотган Жерландо Элеоноранинг қошига югурди ва дарҳол йиқилаётган хотинини ушлаб қолди. Жеза ёрдамида ўриндикка ўтказди. Қечга яқин Элеонорани тўлғок тута бошлади.

Жерландо қилган тўполонидан пушаймон бўлиб, кўркувдан онасини чакиргани югуриб кетди.

Дояни олиб қелиш учун бир болани шаҳарга жўнатдилар. Келинининг боласи тушиб қолишдан кўркиб кетган Жерландонинг отаси тайёр уй-жойидан айрилиб қолишдан хавотирланиб, ўглини: “Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ бола,– дея қойиб кетди.– Хотининг ўлиб қолса, нима қиласан? Фарзандингдан айрилиб қолсанг-чи? Хароб бўласан, тушундингми? Ўқишни ташладинг! Бирон-бир ишнинг уйдасидан чиқолмайсан-ку, нодон бола! Қараб тур, итдек хор бўласан!

– Бола ўлса ўлавермайдими!– кичкирди Жерландо. – Ўзи тирик қолса бўлгани!

Ичкаридан югуриб чиққан Жерландонинг онаси кўлларини кўкка кўтариб, фарёд қила бошлади:

– Доктор керак! Тезроқ докторни чакиринглар! У ўлапти!

– Ахволи ёмонми? – сўради ранги доқадек оқариб кетган Жерландо. Отаси Жерландони эшик томон судраркан:

– Югур! Тезроқ доктор топиб кел! Оёгингни кўлга ол! – дея буюрди.

Жерландонинг вужудини титроқ боса бошлади. У жон-жаҳди билан югуриб кетди. Кўз ёшлари тинмай оқар, оёқлари худди юрмаётгандек туюларди ўзига.

Ярим йўлда у доя хотин билан бирга келаётган аравага дуч келди.

– Тезрок ёрдам беринг! Тезрок! – бор овози билан кичкирди у.– Докторни олиб келишга кетаяпман! Ахволи огирлашиб колди.

Жерландо кокилиб йикилди, эгнилари тупрокка беланди, шилинган кўлини ушлаганча югуришда давом этди.

Жерландо шифокорни бошлаб келганида Элеонорадан кон кетиб, бехуш ётарди.

– Котил! Сен котилсан! – дея кичкирди бекаси атрофида гирдикапалак бўлаётган Жеза. – Хаммасига сен айбдорсан! Унга кўл кўтаришга қандай хаддинг сигди!

Элеонора бир оз ўзига келгач, жазаваси тутган кампирга “жим” дегандай бош чайкади.

У кетаётган кон билан бирга вужудидан сўнги куч-қуввати, яшаш онлари жисми жонини тарк этаётганини ва танаси музлаб бораётганини хис этмокда эди. Бу дунёни тарк этгани бир жихатдан маъкулдир. Тавба, ўлим кўркинчли эмас экан. Балки бу бокий дунёнинг ташвишларидан тўйиб кетгани учун ҳам дорилбакога рихлат этиш унга бир қадар ёқимли туюлаётгандир. Ранги оппок оқариб кетган Элеонора кўзларини шифтга тикканча абадий уйкуга кетишини кутиб ётарди. Никох кечасида гувоҳ сифатида катнашган шифокорни гўё тушида кўраётгандек эди. Элеонора унга боқаркан, юзида ним табассум пайдо бўлди.

V

Жерландо хотинининг ёнидан кечасию кундузи жилмай ўтирди.

Элеонорани ниҳоят, оромкурсига олдилар, юзидан кон кочганди. Кўзи Жерландога тушди, худди эри ҳам ўлим тўшагидан тургандек эди наздида. Сўнг тепасида парвона бўлаётган кайнона-кайнотасини кўрди. Янаям катталашиб кетган шахло кўзлари ила уларга бокди ва улар билан ўзи ўртасида боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқлигини сизди, гўё у каердандир покланиб келган-у, нафакат эри, кайнона-кайнота билан ҳам, аввалги хаёти билан ҳам боғлаб турадиган ришталар батамом узилганини хис этди.

Элеоноранинг нафас олиши огирлашганди. Арзимаган шовкиндан ҳам юраги гупиллаб уриб кетар, сўнг бир оз тўхтаб, яна хаприкиб уришда давом этарди. У ниҳоят бошини ўриндикнинг орқа суюнчигига ташлаб, кўзларини юмди-ю, ўлмай колганидан афсусланди. Энди у қандай яшайди? Қандай килиб бу азобларга чидайди! Каршисида ундан нигохларини узмай турган кимсаларнинг кўзига қандай қарайди. Уларга нисбатан қалб торлари узилиб кетганди! Аввал ўтиб кетганлар у томон бостириб келавердилар, кимдир уни бор кучи билан ушлаб тургандек, бошидан ўтказган воқеаларни томоша этишга мажбур этаётгандек эди, хамма-хаммасини унутишга ёпирилиб келаётган ўю хаёллари изн бермасди.

Элеонора энди одам каторига кирмай, юрагим ёрилиб бу дунёни тарк этсам керак, деб ўйларди. Аслида ундай бўлмади... Барча азоблар ортда колди. Аста-секин ўрнидан туриб, Жеза кампир ёрдамида хона ичида юра бошлади; қувватга киргач, пиллапоялардан аста-аста пастга тушиб, очик хаводан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Кейин-кейин ҳар окшом кўргоннинг жанубий томонидаги баландликкача борадиган бўлди. У ердан денгиз киргоги бемалол кўзга ташланарди. Элеонора дастлабки кунлари у ерга Жерландо ва Жеза ёрдамида, кейинчалик эса Жеза кампир хамрохлигида борарди, ниҳоят, кучга киргач, ёлғиз ўзи борадиган бўлди.

Элеонора қари зайтун дарахти соясидаги тош устига ўтирганча денгизнинг мавжланишини томоша қилишни ёқтирарди; шу ердан ботаётган қуёшнинг қардиш

нурлари денгиз устидаги куюк туман ичига кириб кўздан гойиб бўлишини, тўлкинларнинг гўзал рангда мавжланаётганини, булутлар эса куёш шуъласидан гаройиб тусга кириб боришини, коронгулик атрофга ўз пардасини ёяётган пайтда, самодаги юлдузларнинг бирин-кетин потраб чиқиши-ю, атрофга нур таратаётганини, уларга эргашиб тўлин ой ўз жамолини кўз-кўз килаётганини томоша қилиб ўтирарди. Окшом нақадар гўзалликларга бойлигидан хузурланаради. Бу хотиржамлик ва осудалик унга жаннатдагидек роҳат бахш этганди. Бу роҳатдан тўйиб-тўйиб лаззат оларди. Бу орада Жерландонинг оиласида Элеонорага нисбатан тузук қўйилаётган эди. Қайнонаси билан қайнотаси меросхўр хақида ўгиллари қулогига қуяётгандилар. Улар Элеонорадан хавотирда эдилар.

– Ўғлим, хотинингни ёлғиз қолдирма. Унга гамхўрлик қилишинг керак. Ёнидан сира силжима, ишончини, меҳрини қозон. Хотинингни шунга мажбур қилгинки, хизматкор кампир унинг хонасида тунамасин. Қелинимиз ҳозир ўзини яхши ҳис этипти, тунлари унга хизматкорнинг хожати йўқ,– дея ўқтирардилар.

– Нималар деяпсиз, ахир! Бундай ўй-хаёллар қалламга қелгани ҳам йўқ... Ё тавбадан кетай! Ахир у мен билан онадек муносабатда. Ўзингиз ҳам бунинг гувоҳи бўлгансиз-ку!.. Унинг ёши ўтиб қолганмиш. Бу ишларга ярамасмиш!..

– Нима, қариб қолганмишми? – гапга аралашди онаси. – Уни қари деб бўлмайди, шунинг учун сен...

– Фарзандлик бўлмасанг, барча ерларингни тортиб оладилар! – Гапни бўлди отаси. – Мени айтди дерсан, сени унга боғлаб турадиган боланг бўлмаса хор бўлиб, қўчада қолиб кетасан. Мабоодо, у сенга бола тугиб бермай ўлиб қолса борми, қонун бўйича бутун мол-мулкингни тортиб оладилар. Ўйлаб иш қил! Ўқишни ҳам ташладинг, вақтни бой бераяпсан. Мени айтди дерсан, отингни вақтида қамчилаб қолмасанг, ҳеч вақосиз қоласан. Қеч бўлмасдан яхшилаб ўйлаб кўр... Нимани қутиб ўтирибсан!

– Хотинингга дўқ қилма, яхши гапир,– аста тушунтирди отаси. – Олдига бориб ҳаммасини тушунтир. Айтганларимни қилмасанг, ҳеч вақосиз қоламан, дегин. Мени ҳам ўйлагин-да, мен ҳам сенинг айтганларингни қиялман-ку, деб айт. Нимадан кўрқаяпсан? Ҳаммасини тушунтир, кўркма, сени еб қўймайди.

– Яна шуни қўшиб қўйгинки,– яна гапга аралашди онаси, – Элеонора, сен уқанга муруват кўрсатмоқчимисан? Ахир у сени не қўйларга солмади дейсан. Мени уйдан қувиб юборишини истамасанг, гапимга қирасан. Ота-онам ҳам бу уй-жойлардан қувиладилар, дегин.

Жерландо мик этмай ўтирарди. Ота-онасининг гап ўргатишларидан ижирганиб ўтирса-да, айни вақтда улар ҳақ эканликларини ҳис этарди. Нима қилса экан? Бу воқеалар хақида Элеонорага сўз очса, албатта унга ёқмаслигини жуда яхши билади, аммо начора, фарзандсиз ҳаёт ҳаётми? Нима қилиб бўлса-да, Элеонорага буни ётиги билан тушунтириши керак.

Элеонора энди дастурхон атрофига чиқиб ўтирадиган бўлганди. Бир қуни кечки овқат пайтида эри дастурхонга тикилганча ҳаёл суриб ўтирганига кўзи тушиб қолди ва:

– Нега овқатингни емаяпсан? Бир нуқтага тикилиб ўтирибсан,– деб сўради.

Жерландо айни вақтда хотинидан шу саволни қутган ва айнан хотини шу саволни бериши учун ҳам дастурхонга тикилгандек ҳаёл суриб ўтирарди. Ўрни қелганда ота-онаси миясига қуйган гапларни гапирмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин қўл қилтаб қўя қолди.

– Сенга нима бўлди? – қайта сўради Элеонора ундан.

– Хеч нарса, – саросимага тушиб деди Жерландо. – Отам сира тинчлик бермаяпти...

– Яна ўки деяптими? – кулиб сўради Элеонора.

– Йўк, бошка нарса хакида, – аста гапирди Жерландо. – Фарзандлик бўлишимизни истаяпти. Набиралик бўлишни жуда хохлаётганмиш. Насл-насабсиз бўлишимизни истаяпти. Бир-бирингизга караб, сўппайиб ўтирасизларми деяпти. Меросхўр керак-ку, ахир!

– Отангга айтиб кўй, – жиддий тусда деди Элеонора Жерландони кизарган юзини кўрмай, деб кўллари билан юзини тўсаркан. – Отангга айт, ташвиш тортмасин. Мен хаммасини ўйлаб кўйганман. Гар шу ҳақда гап очилган экан, сенга бир гапни айтиб кўймокчиман, ким олдин, ким кейин ўлади, бу ёлғиз Оллохга аён, мен аввал бандаликни бажарсам, хонамдаги жавоннинг иккинчи тортмасида сенга аталган хат бор, хаммаси ўша ерда ёзилган.

– Қандай хат? – сўради уятдан кизариб кетган Жерландо.

Элеонора бош иргаб гапини тасдиқларкан:

– Ха. Хотиржам бўл, – деб гапни киска килди.

Эртаси куни севинчи ичига сигмаган Жерландо ота-онасининг уйи томон елдек учиб борди ва Элеонора айтган гапларни окизмай-томизмай сўзлаб берди.

Жерландонинг ота-онаси ўглининг гапидан коникмай, хайрон бўлиб уни саволга тутдилар:

– Хат дейсанми?

“Кизик, бу қандай хат экан. Васиятномамикан. Демак, барча мол-мулкларни эрига колдираётган экан-да. Хатда нималарни ёзди экан-а? Аёллигига бориб, ниманиям ёзганин кин! Ёзганларини нотариус тасдиқламаса, у конуний хисобланмайди-ку. Укаси хам суд ходими бўлса, судлашиб бор-будларини тортиб олиши туган гап.

Судлашиб барака топмайсан. Судлашиб юришни худо кўрсатмасин. Биздай ночорларнинг кучимиз етмайди уларга. Укаси ўчакишиб бизни хонавайрон қилади. Окни кора, корани ок, деб тураверишади. Ким билади дейсан, ўша тортмада хеч қандай хат йўқдир. Сендан кутулиш мақсадида шундай деяётгандир. Хатни ўз кўзинг билан кўрдингми? Йўк, кўрмагансан. Боланг бўлганда борми, барчаси бошқача тус олган бўларди. Алданиб колмагин тагин. Гапимизни икки қилмай фарзандлик бўлиш харакатига туш. Хат билан иш битадими?” – тинмай ўглига уқтирарди отаси. Кунларнинг бирида одатда жарлик ёкасида ўтирган Элеоноранинг рўпарасида кутилмаганда Жерландо пайдо бўлди. Элеоноранинг эти жунжикиб елкасига кора шолрўмолини ташлаб олганди. Феврал ойи бўлса-да, кунлар илиб, бахорнинг хиди келиб колган. Жарликнинг пастидаги ялангликда ниш урган бугдой кўм-кўк ястаниб ётарди, уфқда денгиз ва осмон туташиб кетганди.

Элеонора осуда ранглар уйгунлашувини завк билан томоша қилаётган эди. У толикканини хис этгач, бошини зайтун дарахтининг танасига кўйиб, тин олди. Кора шолрўмолини бошига ўради, юзи оппоқкина бўлиб кўзга ташланди-кўйди.

– Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? – деди Жерландо унинг каршисига келиб. – Худди мотамсаро оналардек ўтирибсан-а.

– Атрофни томоша қилаяпман, – деди Элеонора хўрсиниб, сўнг кўзини аста юмди.

Жерландо Элеонорага:

– Шолрўмолинг ўзингга бирам ярашибдики... – дея кўнглини кўтарди.

– Ростанам ярашибдимми? – маъюс жилмайди Элеонора. – Совкотганимдан ўрадим.

– Рост айтаяпман, жуда ярашибди. Юзингни накш олмай кўрсатаяпти. Бирам очилиб

кетибсанки,– деди Жерландо шоша-пиша хотинининг каршисига тиз чўқаркан. Элеонора йиглаб юбормаслик учун кўзларини чирт юмиб олди. Самарасиз ўтиб кетган ёшлик йилларидаги хотиралар миясига куюндай ёпирилиб кела бошлади. Эссиз ёшлиги, бесамар ўтган ёшлиги... Ўн саккиз ёшида у нақадар гўзал ва сулув эди-я! Кутилмаганда Жерландо журъатсизлик билан унинг биллагидан ушлаётганида Элеоноранинг хуши ўзига келди.

– Кўлингни менга бер, – деди Жерландо ва бесаранжом кўзлари билан хотинининг бошидан оёғигача разм солди.

Элеонора эрининг хатти-харакатидан гап нимадалигига тушунса ҳам ўзини гўлликка солиб:

– Кўлимни? Нега? – деб сўради ва: – Зўрлама мени, кўтаролмайман. Кучим етмайди. Зўрга юрибман... Кеч бўлди, юр уйга кетайлик,– дея ўрнидан турди.

– Ёмон хаёл кўнглимга келгани йўқ, – тушунтирмоқчи бўлди Жерландо. – Бир оз шу ерда ўтирайлик. Бу ер жуда осуда, кўнгилочар жойлар экан...

Курукшаган лабларининг таноби кочганча Жерландо Элеоноранинг тиззаларини кучмоқчи бўлди.

– Йўқ! – кичкириб юборди Элеонора. – Эсингни еб кўйибсан! Кўйиб юбор! Элеонора Жерландонинг елкасидан итариб юборди. Жерландо чўккалаб колди, Элеоноранинг кора шолрўмоли унинг устига сиргалиб тушди.

– Качонгача ноз киласан-а, качонгача, – яна-да куч билан Элеоноранинг тиззаларини кучаркан гўлдиради Жерландо худди маст одамдек. Элеонорадан таралаётган ёкимли хиддан маст бўлган Жерландо аста-секин кўлини унинг бели томон чўзди.

Элеонора бор кучини ишга солиб, эрининг кучогидан ўзини озод этди ва жар ёкасига югуриб келди-да:

– Якинлашма! – деб бакирди.

Газаби жўш урган Жерландо Элеонорага ташланди. Элеонора унга чап бераман деб, пастга кулаб кетди.

Жерландо дахшатдан турган жойида донг котиб колди. Кулогига фарёд тўла бўгик овоз чалинди. Жерландо эсанкираганча кўрка-писа пастга каради, не кўз билан кўрсинки, яшил ўт-ўланлар устида бир тўда кора кийимлар ёйилиб ётарди. Кора шолрўмол эса шамолда хилпираб, канот коккандек пастлаб тушиб борарди.

Жерландо нима киларини билмай иккала кўли билан бошини чангаллаганча уйи томонга каради. Сўнг зайтун дарахти теппасида тўлин ой шуъла сочиб турганига кўзи тушди. Жерландо узок вақт ойдан кўзини узолмади. Унинг наздида тўлин ой барча воқеага гувоҳ бўлганча Жерландони айблаётгандек эди.

Русчадан Назира Жўраева таржимаси